

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Холиқов, М.Мелиқўзиева	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
И.Сиддиқов	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
И.Рахимов	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
Ф.Абдулбоқиев	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
М.Сайдакбарова	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
Я.Нишанов	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
Г.Қосимова	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
Г.Орипова	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
Ш.Каримова	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигига қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
Э.Ибрагимова	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
Д.Рустамов	
Мулоқот турлари класификацияси хусусида.....	195
Г.Розиқова,	
Маҳмуд Кошгарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
М.Алиева	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
М.Абдураҳманов	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари	208
Г.Исақова	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
С.Курбонова	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
Н.Ахмаджонов	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигига прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
Х.Сотвалдиева	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
Р.Юлдашов	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
М.Рустамов	
Бурхониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
А.Тураханов	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231
<hr/>	
ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ	
Забардаст туркийшунос олим.....	234
Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....	237

АЛИШЕР НАВОИЙ ЖАМИЯТ РАВНАҚИ ВА ИНСОН ОМИЛИ ҲАҚИДА

АЛИШЕР НАВОИ О РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА И ЧЕЛОВЕЧЕСКОМ ФАКТОРЕ

ALISHER NAVOIY ABOUT THE DEVELOPMENT OF SOCIETY AND HUMAN FACTOR

М.Сайдакбарова¹¹ М.Сайдакбарова

— ҚДПИ, ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоининг турли жанрдаги асарларида шахс ва жамият муносабатлари, адолатли тузум ҳамда демократик тамойиллар ифодаси акс этганилиги ҳақида сўз боради.

Annotation

В статье речь идет о взаимоотношениях личности и общества, справедливом строе и демократических принципах, которые нашли отражение в произведениях великого поэта и мыслителя Алишера Навои.

Annotation

This article deals with the relationship between the individual and society, a fair system of democratic principles, which are reflected in the works of the great poet and thinker Alisher Navoi.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий тараққиёт, адолатли тузум, ижтимоий муносабатлар, бадиий талқин, шахс ва жамият, реал воқелик, инсонпарварлик гоялари, маърифий аҳамият.

Ключевые слова и выражения: историческое развитие, справедливый строй, социальные отношения, художественное толкование, личность и общество, реальная действительность, идеи гуманизма, просветительское значение.

Keywords and expressions: historical development, fair system, sociological relations, poetic interpretation, personality and society, ideas of humanism, educational value.

Ҳар бир миллат узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланади. Мазкур жараён эса ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда кечади. Жамият вакили бўлган шахснинг шаклланишига эса у мансуб бўлган миллатнинг хўжалик юмушлари, майший турмуши, ижтимоий-маданий мухитигина эмас, умуман бутун ижтимоий муносабатлар мажмуаси таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, инсон маънавий қиёфасини ана шу ижтимоий муносабатлар белгилайди. Тарихга оид ёки бадиий асарда муайян мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини, халқ руҳини, миллий менталитетини ҳаққоний ифодалай олиш даражаси эса муаллифнинг кўп жиҳатдан ана шу халқ билан қай даражада руҳан яқинлиги билан белгиланди. Салжуқийлар салтанати равнақига бемисл ҳисса қўшган Шарқнинг машҳур сиймоларидан бўлмиш “низом-ул мулк” ҳамда темурийлар салтанатининг атоқли арбобларидан бўлган Алишер Навоий ҳам ана шундай муайян тарихий шароитда, ижтимоий-сиёсий воқеликда яшадилар, ижодий ҳамда ижтимоий фаолият олиб борди. Шунинг учун ҳам унинг тарихга оид ҳамда ижтимоий-бадиий асарларида муайян даврнинг воқелиги, муаммолари яққол кўзга ташланади.

Алишер Навоий нафақат улуғ шоир ва мутафаккир, балки олим ва фозил, элпарвар

ва юртсевар арбоб, энг муҳими, комил ҳамда ибратли инсон сифатида ҳам тарих саҳифаларида қолди. Айниқса, давлатни бошқариш, раиятга муносабат ҳақидаги қайдларида у ўз даврининг донишманд сиймоси, ўткинчи дунё ҳою ҳавасларига берилмаган, Ҳақ йўлидан адашмаган зот сифатида қалбимиздан ўрин олади. Шунингдек, Навоий образи унинг давлатчилик асослари акс этган турли жанрлардаги асарлари орқали шоху гадога баробар муносабатда бўла оладиган, ўш истеъодларга беминнат ҳомийлик қиладиган, санъатнинг жуда кўп турлари равнақига бебаҳо ҳисса қўшган сиймо сифатида меҳрмуҳаббатимизни, эҳтиромимизни қозонади.

Инсоният тарихидан маълумки, бирор давлат ёки салтанатнинг равнақи ҳам, таназзули ҳам, биринчи навбатда, ўша давлат ҳукмдор ва мансабдорларининг зукколиги ва донишмандлигига ёки, аксинча, қабиҳлиги ва калтабинлигига боғлиқ бўлган. Чунончи, улкан супола асосчиси бўлган Амир Темур ўз “Тузуклар”ида ўтмишда яшаб ўтган, ижтимоий тараққиётда сезиларли из қолдирган зотлар ҳақида замондошларига ибрат ва ўрнак бўладиган ривоят, ҳикоят ёки тарихий маълумотларни келтириб ўтади. Масалан, Шарқ ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида катта роль ўйнаган, сиёсатчи ва

адиб, жамоат арбоби ва аллома “низом-ул мулк”нинг номи бир неча жойларда тилга олинади. “Бузуки, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулайди. Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низом-ул мулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабих ишлари, зулм-ситами ва нафси бузуқлиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади...”

Амир Темурнинг бу қайдлари “Бобурнома”даги Ҳусайн Бойқаро вазирлари ҳақидағи маълумотларни эсга солади. Тарихдан маълумки, Маждиддин исмли вазир Ҳусайн Бойқаро саройида зулм ва ситамни ҳаддидан оширган, Алишер Навоий билан ҳам турли зиддиятларга борган. Охироқибат таназзулга учраб, ўзи ҳам хорликда дунёни тарк этган. “Бобурнома”да ана шу вазирнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатлари қуидагича тавсифланади: “Маждиддин... Алишербек бошлиқ жами беклар билан ва аҳли мансаб билан зиддона (тескари) маош қилди (муносабатда бўлди). Саъй ва иғво қилиб, Маждиддинни туттуруб, маъзул қилдилар”.

Яна бир қизиқарли мисол: “Темур тузуклари”да қуидагиларни ўқиймиз: “Менинг эшитишмча, Низомулмulkнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турганида авлиёлардан бири унга дебди: саройда туриб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳаж қилиш билан баробардир”.

Амир Темурнинг бу қайдлари Алишер Навоий ҳаётида ҳам шундай воқеа бўлганлигини, юртнинг обрўли кишилари шоир ва арбобнинг мамлакат осоиишталиги ва ободлиги йўлида қилаётган ишлари ҳаж савобидан кам эмаслигини уқтириб, уни сафардан қайтарганликларини ёдимизга солади. Бу ҳақда Навоийнинг севимли шогирди ва кичик замондоши бўлган тарихчи Хондамир муфассал маълумотларни “Макорим-ул ахлоқ” номли асарида ёзиб қолдирган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Навоийнинг кўп жиҳатларини Низомулмulk билан тенглаштириб, қуидагиларни ёзади: “Яна Алишербек Навоий эди, (Ҳусайн Бойқаронинг) беги эмас эди, балки мусоҳиби (энг яқин кишиси) эди... Аҳли фазл ва аҳли

хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа мувофиқ бўлғай. Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди...”

Салжуқийлар салтанатининг машҳур арбобларидан бўлган Низом-ул мулк сингари Алишер Навоий ҳам ўзининг онгли фаолияти, куч-ғайрати, моддий маблағларини темурийлар суполасининг охирги вакилларидан бўлган Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашга йўналтириди. Шу билан бирга, Низом-ул мулк тарих сабоқлари ҳамда ҳаётий тажрибалари асосида “Сиёсанома” асарини яратганидек, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири ҳам тарихнавис сифатида ўтмиш хукмдорларининг ҳаёт йўплари, ижтимоий-сиёсий фаолиятларини ёритишга, энг ибратли ва тарбиявий жиҳатларини саралаб, замондошларига етказишга бел боғлади. Ўзигача бўлган тарихга оид манбалар, нуфузли муаррихларнинг ижоди билан муфассал танишиб чиқди. Улардаги факт ва маълумотларни қиёслаб ўрганиш орқали энг ишончли хуносаларни саралади. Шу тариқа унинг “Тарихи мулуки Ажам” (“Эрон шоҳлари тарихи”) асари юзага келди.

“Тарихи мулуки Ажам” бир томондан XV асргача бўлган Шарқ тарихнавислигининг эътиборли манбаларига таяниб ёзилган бўлса, иккинчи тарафдан, моҳият-мазмунига кўра муаллифнинг ҳаётий тажрибалари асосида яратилган ахлоқий-маънавий, ғоявий-фалсафий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, катта тарбиявий аҳамиятга молик мумтоз асардир. Муаллиф ким ёки нима ҳақда сўз юритмасин, ундан тегишли ахлоқий-фалсафий хуносалар чиқаради, ҳаёт сабоқларини ҳам, турмуш зарбаларини ҳам батафсил баён этади. Бу билан у, аввало, ўз замондошлари, қолаверса, бутун инсониятга тааллукли ўгитларни воқеалар тафсилотига сингдиради, тарих сабоқларидан хуноса чиқаришга унрайди.

Тўғри, Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида тарихга қанчалар холис ёндашишга ҳаракат қилмасин, ўз даврининг мавжуд билим ва тушунчалари, дунёқараш ҳамда ижтимоий савијасидан ўзиб кетиши мумкин эмас эди. Натижада ушбу асарда мифлар ва афсоналар, ривоятлар ва ҳикоятлар, реал воқелик ҳамда романтик тушунчалар қоришиқ ҳолда келади.

Иккинчи томондан, муаллиф ўз замонасининг аксарият муаррихларидан

фарқли равишда ҳар бир воқеа-ходисадан, тарихий шахслар фаолиятидан ибратли жиҳатларни излаши мазкур асарнинг тарбиявий-маърифий аҳамиятини кучайтирган. Муайян анъаналарга кўра, шоир қиссадан ҳиссани шеърий йўл билан чиқарган. Ўз навбатида, ушбу назмий намуналар тарихий шахслар фаолияти ҳақидаги ҳикояларнинг таъсирчанлигини оширган ва хулосаларни умумлаштиришга ёрдам берган.

Тилга олинаётган ҳар бир тарихий шахснинг атрофлича тасвири, у билан боғлиқ воқеалар тафсили, баён услубининг равонлиги, тилининг аниқ ва соддалиги, айrim тарқоқ факт ва деталларни ягона мақсадни янада чукур очиб беришга бўйсундириб тасвирлаш муаллифнинг услубий ўзига хос хусусиятларидандир. Гарчи бу асар ўз даврининг тарихга оид асари бўлса-да, уни бадиий асарга яқинлаштирувчи жиҳатлар, ҳолат ва кўринишлар мавжуд. Энг муҳими, мазкур асарда муаллифнинг Ўрта асрлар давлатчилиги хусусиятлари ҳақидаги тасаввур ва тушунчалари, мушоҳада ва орзулари мұжассамлашган.

Алишер Навоийнинг фикрича, “Чун мулк шоҳсиз бўла олмас”, ҳукмдор ким бўлса ҳам у юрт отаси, шундай экан, мамлакат тақдири ҳақида тинимсиз қайғуриши, эл-юрт ташвиши билан яшамоги керак. Аммо барча ҳукмдорлар ҳам бирдай эмас. Кимdir адолатли сиёsat олиб борса, бошқа бирор зулмга авж беради. Ана шундай контраст баёнлардан келиб чиқадиган умумий хулоса шуки, мамлакат адолат туфайли гуллаб-яшнаса, зулм туфайли залолатга юз тутади.

Проф. А.Ҳайитметовнинг қуйидаги фикрлари буни яққол тасдиқлайди: “Тарихи мулуки Ажам”нинг муаллифи ўз олдига асосий вазифа қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётларини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни қўйган. Ана шу ижобий факт Навоийдаги тарихни объектив тушуниш тенденциясини кўрсатади... Демак,

“Тарихи мулуки Ажам”да Навоийнинг Эрон подшоҳлари ҳақида янги материал беришидан кўра, уларнинг ижтимоий фаолиятини қандай ёритиши, қайси масалалар нуқтаи назаридан талқин этиши муҳим фактдир. Биз Навоий асари таҳлилига шу тарзда ёндашганимиздагина унга тўғри баҳо бера олишимиз мумкин.

Алишер Навоий маданиятимиз, адабиётимизнинг ўтмишдаги барча улуғ сиймолари сингари ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий воқелиигига нисбатан илфор қарашларини илмий-филологик асарларида ҳам, адабий меросида ҳам муфассал баён этган. Зоро, ёшлик ҷоғларида ёк – бирор бир расмий мансабни эгалламай туриб, “даврон элининг жисмида жон бўлиш”ни тарғиб этган бу улуғ сиймо ижодида ҳам, амалий фаолиятида ҳам жамият равнақи, юрт ободлиги йўлида бутун умрини сарф этди.

Табиийки, Навоийнинг олам ва одам, табиат ва жамият ҳақидаги табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, диний қарашлари у яшаган даврдаги ижтимоий муҳит заминида ҳамда ўзидан аввалги асрларда яратилган маънавий бойликлар, цивилизация асосида шаклланди ва ривожланди.

ИНсон омили диққат марказида бўлган давлат ҳамиша равнақда бўлгани, демократик тамойиллар ҳамда адолат тушунчалари етакчилик қилган жамият мунтазам гуллаб-яшнагани тарихий мисоллардан маълум. Алишер Навоий ҳам инсонни олий мавжудот, дея таърифлайди: ундан кўра “зоти шарифроқ йўқ”лигини уқтиради. Модомики шундай экан, инсон фаровон турмуш кечиришга, гуллаган жамиятда, демократик тамойиллар устувор бўлган муҳитда яшашга ҳақли ҳамда ўзи ҳам ижтимоий тузумнинг адолатли бўлиши учун курашмоги фарзидир. Алишер Навоийнинг инсон ва жамият муносабатлари, реал воқелик ҳамда ижтимоий идеаллар ифодаси акс этган барча асарлари ана шундай мўътабар ғояларнинг юксак бадиий талқинларидан ташкил топган.

Адабиётлар:

1. Амир Темур. Тузуклар. –Т., 1991.
2. Алишер Навоий. Ҳикматлар. –Т., 2011.
3. Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншурум аҳамияти. –Т.: Фан 2001.
4. Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989.
5. Воҳидов Р. Навоийнинг номи барҳаёт. –Т.: Фан, 1991.
6. Навоий замондошлари хотирасида. –Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
7. Қаюмов А. Нодир саҳифалар. (Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида) –Т.: Фан, 1991.
8. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим-ул ахлоқ. –Т., 2018.
9. Ҳайитметов А. Навоийхонлик сұхбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)